

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)


PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
2. Yusupova Soxiba Islombek qizi O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
5. Намазова Манзура Ураковна ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
8. Karimova Dilorom Shavkatovna VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
10. Шахзод Турниязов ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
12. Алена Ядмагиевна Иванова ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич И.ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
18. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
20. Malika Soliyeva INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
21. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122

22. Xurinsa Xudoyberdiyeva TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
23. Israilova Sayera Tashpulat qizi INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
24. Israilova Sayera Tashpulat qizi INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFLARIDA O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
25. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
26. Робиға Мамбетова ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
27. Ҳамидулла Годжиев ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
28. Ergashova Rano Turaevna LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
29. Bobir Maxammadov MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
30. Xalimova Firuza Rustamovna POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
31. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
32. Матлуба Шукурова ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
33. Tashkulova Zarnigor “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195



ISSN: 2181-9297


www.tadqiqot.uz

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Матлуба Шукурова,

Альфраганус университети катта ўқитувчиси,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент, Ўзбекистон
shukurovamatluba@gmail.com

ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087471>

АННОТАЦИЯ

Маълумки, “аёл” концептининг етакчи устуни бўлган “она” тушунчаси дунёнинг барча миллат ва элатларида жамиятнинг ижтимоий негизи бўлган оиланинг ташкил этувчиси ва марказий фигураларидан бири сифатида қаралади. Она тушунчаси жамият тарихи ва тараққиёти билан ҳар жиҳатдан узвий боғлиқдир. Она оилада объектив жиҳатдан энг муҳим вазифаларни бажарадиган, доимий масъулиятни ўз зиммасига оладиган аёл бўлса, субъектив нуқтаи назардан оилавий муносабатларда етакчи мавқега эга, оила давомчиларининг яратувчиси, парваришловчиси ва ҳар жиҳатдан мотивация берувчи шахс сифатида тушунчанинг қиймат компонентларида ҳам, уларнинг тил талқинида ҳам маълум хусусиятларни аниқлаш мумкин. “Она” тушунчаси оламнинг лисоний тасвири контекстида универсал ва айни пайтда, ҳар бир миллий маданиятда алоҳида белгиларга эга бўлиб, инсон ва унинг борлигининг ўзига хос хусусиятлари, дунё билан муносабати, унинг дунёда мавжудлигининг энг муҳим шартларини ифодаловчи асосий тушунчалардан биридир. Зеро, турли миллий маданият ва жамиятларда ўзига хослик турлича намоён бўлади. Маскур мақолада “аёл” концептининг актуаллашуви Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова шеърлари мисолида тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар. ватан, аёл, қадрият, рамзийлик, турғун бирикма, она, менталитет, ибора, бадий тафаккур.

Матлуба Шукурова,

доктор философии по филологии (PhD)
старший преподаватель Университета Альфраганус,
Ташкент, Узбекистан
shukurovamatluba@gmail.com

АКТУАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПТА «ЖЕНЩИНА» В ПОЭЗИИ ЭНАХОН СИДДИКОВОЙ

АННОТАЦИЯ

Как известно, концепт «мать», являющийся стержнем концепта «женщина», рассматривается всеми нациями и народами мира как одна из основоположниц и центральных фигур семьи, являющейся социальной основой общества. Концепт матери неразрывно связан

с историей и развитием общества во всех отношениях. Если мать – это женщина, объективно выполняющая важнейшие задачи в семье и несущая на себе постоянную ответственность, то с субъективной точки зрения она – лидер в семейных отношениях, созидательница, хранительница и личность, всесторонне мотивирующая продолжение рода. Определенные особенности можно выделить как в ценностных компонентах концепта, так и в их языковой интерпретации. Концепт «мать» универсален в контексте языковой репрезентации мира и, в то же время, имеет специфические черты в каждой национальной культуре, являясь одним из основных концептов, выражающих уникальные характеристики человека и его бытия, его взаимоотношения с миром и важнейшие условия его существования в мире. Ведь в разных национальных культурах и обществах уникальность проявляется по-разному. В данной статье рассматривается актуализация концепта «женщина» на примере стихов народного поэта Узбекистана Энахон Сиддиковой.

Ключевые слова: Родина, женщина, ценность, символизм, устойчивый союз, мать, менталитет, экспрессия, художественное мышление.

Matluba Shukurova,

Senior Lecturer at Alfraganus University,

Doctor of Philosophy in Philology (PhD)

Tashkent, Uzbekistan

shukurovamatluba@gmail.com

ACTUALIZATION OF THE CONCEPT OF “WOMAN” IN THE POETRY OF ENAKHON SIDDIQOVA

ABSTRACT

As is known, the concept of “mother”, which is the leading pillar of the concept of “woman”, is considered by all nations and peoples of the world as one of the founders and central figures of the family, which is the social basis of society. The concept of mother is inextricably linked with the history and development of society in every respect. If a mother is a woman who objectively performs the most important tasks in the family and takes on constant responsibility, then from a subjective point of view she is a leader in family relations, a creator, nurturer and a person who motivates the continuation of the family in every way. Certain features can be identified both in the value components of the concept and in their linguistic interpretation. The concept of “mother” is universal in the context of the linguistic representation of the world and, at the same time, has specific features in each national culture, and is one of the main concepts that expresses the unique characteristics of a person and his being, his relationship with the world, and the most important conditions for his existence in the world. Because in different national cultures and societies, uniqueness manifests itself differently. This article examines the actualization of the concept of “woman” on the example of the poems of the people's poet of Uzbekistan Enakhon Siddikova.

Key words: homeland, woman, value, symbolism, stable union, mother, mentality, expression, artistic thinking.

Замонавий тилшуносликнинг самарали тадқиқот усулларидан бири тил бирликлари моҳиятини концептлар орқали ўрганиш экан, ўз тадқиқотимизда концепт тушунчасини янгича ёндашув – лингвопоэтик аспекта ўрганишга жазм этдик. Концептуал бирликларнинг когнитив, этнопсихоллингвистик ва функционал жиҳатларини бадиий нутқ доирасида тадқиқ қилишни мақсад қилиб белгиладик. Бунда муайян концептуал ассоциатив бирликларнинг индивидуал ижодий пландаги бадиий талқинлари лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этилади. Табиийки, бадиий матн маълум бир халқнинг маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тили, урф-одат ва анъаналари, миллий менталитети, ҳис-туйғулар дунёси, кундалик турмуш тарзини акс эттиради.

Бу борада кенг тадқиқотлар олиб бораётган Л.Х.Самситованинг қарашлари диққатга сазовор. “Бадиий матн маданиятнинг асоси ва қони ва, албатта, тилнинг ажралмас қисмидир.

Зеро, тил бирлиги сўзловчилар томонидан матндан ташқарида ишлатилмайди. Матн сўзлар, гаплар ва тилнинг бошқа birlikлари учун кўпбурчакдир. Бошқача айтганда, матн тил ва маданиятнинг оптимал уйғунлиги, шунинг учун лингвокультурологик тадқиқ учун энг мақбул шарт-шароитдир.”[3;97]

В.В.Воробёв, Л.Г.Саяхова бадий матн уч карра маданий объект эканлигини таъкидлайдилар. Биринчидан, халқ ҳаёти, маданияти бадий адабиётда унинг энг муҳим таркибий қисми сифатида акс этади, яъни бадий асарнинг мазмуни моҳиятан миллий-маданийдир. Иккинчидан, ҳар қайси тилда бадий матн энг муҳим маданий ҳодисалардан биридир. Ниҳоят, учинчидан, бадий матннинг ўзи бадий асар сифатида маданий ҳодисадир. [4;189]

Бадий матнда муайян халқ маданияти ва тилининг ранг-баранг қирралари, тил ташувчиларининг ҳис-туйғулар олами, маиший ҳаёт ҳақиқати, миллий менталитетга ҳос хусусиятлар яққол акс этади. Шунинг учун ҳам бадий матнлар, хусусан, шеърият оламнинг соф ўзбекона лисоний тасвирини концептуаллаштириш ифода воситаларининг хилма-хиллиги ва кўплиги билан тавсифланади, уларнинг семантик таркибий қисмлари она тилига, миллий маданиятга, менталитетга, қадриятларга ва муайян концепт узвларига муносабат белгиларини актуаллаштиради. “Бадий матн у ёки бу халқнинг миллий-маданий маълумотлари, урф-одатлари, менталитети, анъаналарини акс эттириш объектидир. Бадий матндаги “аёл” концепти деганда, миллий-муаллиф тилидаги оламнинг тасвирида концептуал компонентлар билан бир қаторда мажозий ва семантик ассоциатив қўшимчаларга ҳам эга бўлган концептуаллаштирилган тушунчалар англашилади.”[3;179]

Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ўзининг назмий, насрий, драматик ва публицистик асарлари, таржималари, замонавий эртақлари билан адабиётимиз ва маънавиятимиз хазинасини бойитган ижодкор аёллардан биридир. Э.Сиддиқова ижодида аёл концептининг ўзак тушунчаси бўлган она тил бирлиги атрофидаги концептуал ифодаларни кўплаб кузатишимиз мумкин.

Энахон Сиддиқованинг “Она ҳақида кўшиқ” достонида муаллиф ўз онаси тимсолида оналикнинг ҳаёт асоси эканлигига қаратилган кечинмаларнинг образли бадий тасвирини ниҳоятда содда, равон ва жонли ифода усулида, экспрессив бўёқдор оҳангларда акс эттирган. Асарда “она” тушунчаси қирралари, бир томондан, захматқаш, садоқатли, меҳрибон, фидойи инсон сифатида, бошқа томондан, “ўгай она”(лар) тимсолидаги бағритошлик, қаҳри қаттиқлик, бемехрлик каби қусурлар ҳам кузатилишини кўриш мумкин.

“Она” тушунчасининг соф ўзбекона хусусиятлари, аёлнинг эрга садоқати, рўзгор камини тўлдириш учун, фарзандлар камоли учун тиним билмас, меҳнатқаш она қиёфаси “дўппи тикаётган аёл” тасвири орқали гавдалантирилиши бежиз эмас.

Орзудан **ипаклари**,
Нур берар тилаклари,
Кўшилиб юраклари,
Дўппи тикарлар онам.
Тебранар кўҳна **бешиқ**,
Гулларидан нур тошиб,
Яратган ишқи тушиб,
Дўппи тикарлар онам.
Супачани тўлдириб,
Ғуссаларни ўлдириб,
Бўлмагани бўлдириб

Дўппи тикарлар онам. (Э.Сиддиқова)

Дўппи, ипак, бешиқ, супача каби лексемалар ҳамда бўлмагани бўлдириб ибораси ўзбек тил ташувчилари онгида шаклланган аёл концептосферасидаги она қиёфасини тасаввурларни уйғунлаштиришга хизмат қилган. Зеро, кашта ва дўппи тикиш, ип йиғириш, зардўзлик каби уйда бажариладиган касб-хунарлар юз йиллар давомида ўзбек оналарининг ҳам сеvimли машғулоти, ҳам рўзгорни бутлаш воситаси саналган. Шунингдек, дўппи тикиш

жараёнида бешикнинг тебратилиши “она” тушунчасининг янада аниқроқ белгиси сифатида намоён бўлади.

“Она ҳақида қўшиқ” асари халқ дostonлари усулида, яъни насрий ва назмий баён уйғунлигида ёзилган бўлиб, бадий-эстетик таъсирчанлик таъминланган. Муаллиф “Опоқим хотинини бой бериб топган қизчасига ўгай онанинг қилган зулмидан безиб уч марта хотин олган экан”, - дея изоҳ берар экан, ўз онасининг чуқур изтиробларини шеърий мисраларда баён этади:

Мунчоқ кўзи жавдираб,
 Чирқираб қолган гўдак.
 Учта ўгай онанинг
 Чоҳига солди фалак.
 Мен етим ўтдим беҳад
Ўгайлик қилди дунё.
Ўгай она кўлида
 Сомондай соврилдим-о.
 Онали етимни, оҳ,
Гул етим дерлар, болам.
 Отали етимга-ё,
 Очикдир гўрлар болам.
 Етимликда кўрмади
 Не ситам, алам бошим.
 Уч ўгайнинг қўллари
 Ичирди хўрлик ошим.[9;28-29] (Э.Сиддиқова)

Нафақат ўзбек менталитетида, балки бошқа маданиятларда ҳам “ўгай она” тушунчаси, аксарият ҳолларда салбий бўёқдорлик касб этади. Буни инсоний муносабатлардаги чуқур социопсихологик ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Э.Сиддиқова асарида ҳам ана шу белги қабарик тасвирларда намоён бўлади. Бор-йўғи туйилаётган жўхориға сувни кўпроқ қуйиб қўйгани учун олти ёшли гўдак қизчанинг бошига келисоп билан уриб, қиш чилласида кўчага ҳайдаб, дарвозани қулфлаб қўйиши аёлнинг нақадар қаҳри қаттиқлиги, бемехрлиги ва оналик туйғусидан бенасиб эканлигини кўрсатади. Ўгай оналар тавсифи ва улардан азоб тортган гўдакнинг кечинмалари чирқираб қолган гўдак; сомондай соврилдим; отали етимга очикдир гўрлар, болам; уч ўгайнинг қўллари ичирди хўрлик ошим каби синтактик қурилмалар орқали ёркин бўёқларда тасвирланган. Ўгай она, ўгай дунё эпитетларининг кетма-кет келиши эса экспрессив мазмунни кучайтириш билан бирга мусикий оҳангдорликни таъминлаган.

Турли эллар ва элатларни бир-бирига дўст қиладиган ягона қудрат – юрт ва она меҳридор. Шоиранинг машҳур асарларидан бири - “Она ҳақида қўшиқ” достони, энг аввало, миллий руҳ, миллий ўзлик туйғусининг, қадрият ва дунёқарашнинг бадий ва ҳаётий оҳангларда рангин ва таъсирчан намоён этиши билан қимматли ва ибратлидор. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва тўғри таъкидлаганидек, “Достон бир нафасда, бир зарб билан ёзилган, ички оҳанглари жарангдор, жозибали, инсоний самимий туйғулар ифориға қорилган. Воқеалари ҳаётий: ўртантиради, ўйлантиради”. [5;11] Достон дебоча, етти фасл ва хотимадан иборат. Етти фасл – инсон умри ва кўнглининг етти кунини бир-бирига боғлаб турган нурли ришта. Муаллифнинг ҳаётий позицияси, дунёқараши, воқеликка муносабати она образида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Шоира юксак поэтик тафаккур ёрдамида она –ота ва оилаға меҳр тимсолида киндик қони томган табаррук тупроққа садоқатнинг, қондошликнинг янги қирраларини кашф этади, китобхоннинг қалб торларига тегадиган риштани топади.

Достон оналар шаъниға бағишлаб яратилган дурдоналар силсиласидор. Унда зиддиятли, мураккаб воқеалар кўп, лекин достон қаҳрамонлари Яратганға шуқур қилиб, ҳаётнинг мураккаб ва машаққатли қийинчиликларини нолимасдан енгиб ўтган, ниҳоятда ҳаётий, халқчил образлар, улар ўзларидан меҳр ва муҳаббат нурларини таратиб турган офтобға ўхшайди. Шоира ўхшатиш, жонлантириш, такрор, тазод каби бадий тасвир воситаларини

катта маҳорат билан кўллайди. Достон қаҳрамони ҳақиқий ўзбек оналарига хос бўлган диёнат, назокат, қаноат, ҳилм, ҳаё, идрок ва зако, итоат, садоқат каби энг ноёб фазилатларга эгаллиги учун ҳам ватан ва юрт тимсолига айланади:

Ўтлиғ меҳрингиз ҳаққин
Қоғозга дурдай тизгум.
Қарзимни буюк она –
Ватан олдида узгум...

Шоира она образи орқали миллат характери ва тафаккур тарзини, ўзбек аёлининг садоқат ва матонат соҳибаси сифатидаги ички туғёнларини, ноёб сифатларини улуғлайди. Достон шоиранинг юрагида оддий сўз эмас, армонли ва нурли туғёнлар тўлкини шаклида туғилган, қоғозга кўчганида ҳам, ўзанларга сиғмай, тўлиб-тошиб оқди. Минглаб, миллионлаб инсонларнинг кўнгил мулкига, маънавий бойлигига айланди. Эзгуликка ташна инсонларнинг дил кўрғонларини забт этди. Она меҳрини ва қадрини унутган кимсаларнинг қалб кўзини очди:

Ёраб, мен тошларга дил берган бедил,
Онаси қошига етолмаган қуш.
Энди қанча учмай, қанча чарх урмай,
Ўнгга айланмайди ОНА деган туш.
... Райҳон иси келар она тупроқдан,
Баҳор юрагимда илдиз отибди.
Бу юртнинг ҳар ҳаси азиздир, чунки,
Бағрида Ҳазрати Онам ётибди. (Э.Сиддиқова)

Бу теран ва бетакрор сатрларда муаллифнинг олам ва одам қисмати, жамият ва инсон тақдир билан боғлиқ ҳаётий-фалсафий, маънавий-ахлоқий фикр-қарашлари ҳам ўз аксини топган. Уни ўқиган ва уққан китобхон асарнинг тарбиявий-маърифий куч-қуввати ошиб, жаҳоний миқёс касб этаётганлигини ҳис қилади. Она - ҳамма даврлар учун муҳим ва долзарб мавзу. Ҳар бир асарнинг мавқеи муаллифнинг фикрий-фалсафий умумлашмалари, адабиёт ихлосмандларининг унга бўлган маънавий эҳтиёжи ва эътибори, муҳаббати билан ҳам белгиланади.

Инсоният яралибдики, она тимсолининг ўзига хос нозик қирралари, оналик туйғусининг кучи ва мотивацион табиати, фарзандга меҳри тилларда достон. Энахон Сиддиқова ижодида, хусусан, “Ҳуррият суврати” шеърда оналик туйғусининг яна бир кучли жиҳати, яъни дунёни англаш призмаси сифатидаги белгисини кузатиш мумкин.

Олмалар дувиллаб тўкилар қувнаб,
Ўзбекнинг болажон кўчаларига.
Тутзорлар аллалар айтар гуркираб,
Миллатнинг хур, митти элчиларига.
Сен хурлик сўзини гул билан ёзгил,
Қуёш ором олар кечаларида.
Куёшдан иссиқроқ меҳрни туйдим,
Кўнгилга нур тўккан кўчаларида.
Қоракўз турнадай эркин, шод болам,
Қанотингга ёзгил хурликни, ўғлим.
Улғайиб борасан сен Ватан билан,
Бутунланиб борар Умид, Ғуруринг. (Э.Сиддиқова)

Ушбу шеърда “она → фарзанд → Ватан тушунчаларининг уйғунлиги болажон кўчалар, хур, митти элчилар, хурлик сўзини гул билан ёзгил, қоракўз турнадай болам, қанотингга ёзгил хурликни каби гўзал ташбеҳлар, эпитетлар орқали берилганлиги бадиий-ғоявий мақсаднинг экспрессив таъсирчанлигини таъминаган. Гап шундаки, Мустақилликни эндигина кўлга киритган Ватан ва гўдак фарзанд бир-бирига қиёслаш ва боғлиқликда тасвирлаш орқали ҳар иккисининг ҳам олдиндаги тараққиёти бир-бирини тақозо этишига ишора қилинади ва бунда

хам боласининг, ҳам юртининг бахтли келажига онанинг ишонч, умиди прагматик тағмаёно орқали талқин қилинган.

Ташбехларнинг миллий менталитетга хос белгилари оналик туйғусининг ўзбекона кирраларини ифодалашга хизмат қилган. Масалан, қоракўз лексемаси ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг табиий белгиси сифатида ўзбек тилида фаол қўлланадиган тил бирлиги ҳисобланади.

“Қаро кўзим” (А.Навоий), “Қоракўз мажнун” (Саид Аҳмад) каби прецедент бирликлар (машҳур, ҳаммага таниш ифодалар)нинг мавжудлиги ёки Сайфулло Турсуновнинг “Сурхондарё вилояти топонимлари” монографиясидаги қуйидаги изоҳ ҳам фикримизни далиллайди.

Қоракўз - Денов туманидаги қишлоқ (Янгиобод). Қоракўз-умумтуркий этноним. Кавказ уғузларининг қоракўзли уруғи бор. Эронда яшовчи туркий халқларнинг қарағёзли~гарағюзлу (қоракўзли) қабиласи борлиги маълум. Улар Ҳамадон вилоятида яшаган. Фарғона қипчоқларининг шатай уруғида қоракўз уруғ тармоғи қайд этилган. Қоракўз ва кўзтамғали этнонимлари бир хил номланиш принципига эга. Тамғаси кўз - қўш думалоқ тешик (халқа) шаклида бўлган. Тамғасидан уруғ, уруғига нисбатланиб қишлоқ номланган. Қоракўз Яккабоғ, Дехқонобод, Денов қатағонларининг уруғи.[16;104]

Аэропортнинг ёруғ чироқлари, қорақош, қоракўз ҳамюртларни кўриб, бирдан кўнгли ёришди (М.Назарова), Корея, АҚШ, Японияда ўқиётган **қорақош, қоракўз**, нутқида бирорта русча ибора бўлмаган ўзбек олимларимиз кўпайяпти (Интернет) каби эътирофлар ҳам қоракўз, қорақошлилик ўзбекларнинг миллий - биологик белгиси эканлигига ишора қилади.

Э.Сиддиқова қоракўз лексемасини бадиий тасвир воситасига айлантириб бошқача бир талқинда қўллайди, яъни турналарни ўзбек менталитетига яқин олиб, оналик меҳри билан **қоракўз турнадай болам** эпитетини яратади. Эпитетни янада кенгайтириб, эркин, шод сифатларини қўшиши прагматик мазмунни янадақучайтиради (Қоракўз турнадай эркин, шод болам): рамзий маънода хур ўлкада эркин, шод бўлиб улғаяётган янги авлодга нисбатан оналик меҳри товланишини ифодалайди.

Она концептосферасида меҳрибонлик, фидойилик, фарзанд учун ҳар нарсага тайёр бўлиш хислатлари периферия ядросидаги тушунчалар дейиш мумкин. Э.Сиддиқованинг “Бегим онам, сабр дарахтим” шеърисида бунинг образли талқинини кўришимиз мумкин.

У бир дарахт, қайғу, мунглари,

Кўз ёшлари ичига оққан.

Ичга ютиб оғрик, унларин

Болаларин жонида боққан.

У силкинди, қалқий бошлади,

Дунё унга қилмади шафқат.

Қушчаларин кифтда учираиб,

Қулай бошлар у шўрлик дарахт.

Уввос тортса қушчалар кўкда,

Судралганча юриб кетди у.

Қуриётган илдизи кўкдаб,

Болам, дея туриб кетди у. (Э.Сиддиқова)

Худди мана шу туйғуларнинг умуминсоний табиатини Энахон Сиддиқованинг “Буюк жасорат” шеъри орқали кузатиш мумкин. Шоира ўз шеърини шундай эпиграф билан бошлайди: Буюк ихтирочи, ўз кашфлари билан дунёни ўзгартирган даҳо, Нобел мукофоти лауреати Томас Эдисоннинг болалиги ва жасур онаси ҳақидаги ҳикоя мени ғоят ларзага солди.

Она вафотидан сўнг ўтмай фурсат,

Чўнтагидан чиқди ўша машъум хат.

Қўлга олиб хатни ўқиркан Томас,

Қўллари қалтирар, товуши чиқмас.

-Афсуски, болангиз ақли кўп ожиз,

Ақли ноқисларнинг мактаби жоиз.

Кўрқаманки, илм олмоғи мушкул,
 Уни уйда ўқитганингиз маъкул!
 -Онажон! Фариштам! Авф этгин, ёраб,
 Ў! Томас Эдисон юборди хўнграб!
 Мен ғофил, нодонни кечиргин,эвоҳ,
 Қарзларимни қандоқ узаман, Оллоҳ!
 Ҳаловат билмаган на шом, на-да тонг,

Боласи дардида адо бўлган жон!
 Қандоқ яшадингиз?! Ғамга бериб тоб?!
 Дилингизга кўмиб мангулик азоб!
 Бир умр жонингиз қиймалабман-а,
 Оқарган сочингиз силамабман-а!

**Чеккан захматингиз, дуонгиз қўллаб,
 Одам бўлдим она, фақат сиз сабаб!** (Э.Сиддиқова)

Э.Сиддиқованинг “Бу сурат қошида” шеърини фарзанди урушга кетиб қайтмаган она тимсолининг типик образи ҳақидаги кичик бир дoston дейиш мумкин. Шеърда ўғлини бир умр кутиб яшаган онанинг тасвири ўзбек аёлининг оилага, ўз хонадонига ҳам садоқати фонида ўзгача поэтик маҳорат билан тасвирланган.

Эгасин қаддидек

Мункайган сўри,

Соғинч қотиб қолган кўзида жола.

Ишқомда

Минг йилки, зор кутавериб,

Майизга айланган ғамдан узумлар.

Юраклари сиқиб олинган анор

Токчада андуҳдан қонаб эзилар.

Ёлғизоёқ йўлга

Юрагин эккан,

Кўзлари тешилган ғариб остона.

Урушдан қайтмаган боласин кутиб,

Йўлларга ҳасратли

Термулган она. (Э.Сиддиқова)

Теварак-атрофдаги ҳар бир нарса онанинг маҳзун руҳиятини очишга қаратилган бетакрор ташбеҳлар билан тавсифланган: мункайган сўри, ғамдан майизга айланган узумлар, юраклари сиқиб олинган анор, кўзлари тешилган ғариб остона.

Бироқ, шиддат билан олға интилаётган бугунги долғали замонда оналик туйғусининг қадрига етмаётган, норасида гўдақларини болалар уйида ёки бировларнинг кўлида меҳрга ташна қилиб қолдираётган оналарнинг ҳам борлиги ижодкор аёллар қалбини ларзага солади.

Тушингизда алла айтар онангиз,

Тўйингизда сеплар йиғар холангиз,

Чўчиб уйғонасиз алаҳлаб ёлғиз,

Болалар уйининг қизғалдоқлари.

Интизорлик тортиб кўринади йўл,

Соғинчда титрайсиз, ёстиғингиз хўл,

Бевақт очилганим хур намозшомгул,

Болалар уйининг қизғалдоқлари.

Онангиз масъуддир комронлар билан,

Сиз ўксиб яшайсиз армонлар билан,

Ҳеч ким бахт беролмас фармонлар билан,

Болалар уйининг қизғалдоқлари. (Э.Сиддиқова)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: ЎзМЭ, 2002.
2. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик). – Т.: «Шарк», 2002.
3. Самситова Л.Х. Культурные концепты в башкирской языковой картине мира: дисс.канд.филол.наук. Уфа, 2014.Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Т.: 2007.
4. Воробьев В.В., Саяхова Л.Г. Русский язык в диалоге культур: учебное пособие. Элективный курс для 10- 11 классов школ гуманитарного профиля. Москва: Ладомир, 2006.
5. Шодиев С.Э. Турғун сўз бирикмалари, терминлар, таркибли терминлар борасида айрим мулоҳазалар // Хорижий филология.
6. Маматов А. Фразеологик бириклар ва турғун бирикмалар деривацияси тадқиқи // <https://3270-Текст статьи-8043-1-10-20211030>
7. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули. // Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати “Маънавият”, Тошкент, 2013.
8. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Т.: «Фан», 1970.
9. Сиддиқова Э. Она ҳақида кўшиқ. Достон. Т.: Akademnashr, 2018.
10. Йўлдошев Б. Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар // Хорижий филология. 2017. – №1.
11. Ҳожиёва О. Меҳрдан гулчамбар. Сўзбоши. Она ҳақида кўшиқ. “Академнашр”, Тошкент, 2018.
12. Одилов Ё. Сўз маъно таракқиетида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати (хаммуаллифликда). Монография ва луғат. – Тошкент: Akademnashr, 2014.
13. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиялогик луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1984.
14. Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуалигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): филол.фан.номз. дисс... Т., 2007.
15. <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-1/260-proverbs-sayings>.
16. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 104

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000